



ЧОРСУДАГИ ЧОЙХОНА

(8-кисм)

Бугун чойхонада одам сийрак. Тўрда молияда ишлайдиган Мухсинжон деган одам шошилмай чой хўплаб ўтирибди. У онда-сонда чойхонага бир кириб кўяди. Агар Тога шу ерда бўлса, чойни ўзи олиб боради, хол-ахвол сўрашади. У ҳам кумуш тишларини кўрсатиб, Тога билан бироз чакчаклашади.

Ана, бедана кўтариб турган чол ўртоғи билан сухбат куряпти. Гапини эшитмасам ҳам сезиб турибман: хойнахой беданасини мактаяпти. Кўзи бехос Мухсинжон акага тушиб колса, овози баттар пасайиб кетади. Шеригига уни имлаб кўрсатиб, кўлини яктагининг ичига яширади.

Шу пайт одмигина кийинган, юзи салки, калтасокол, абжир бир киши кириб келди. Битта чой олиб, атрофга караб чикди. Мухсинжон ака ўтирган жойга караб юрди. Супага якинлашаркан, кироатини келтириб салом берди. Мухсинжон ака алик олиб, уни ёнига таклиф килди. У чордона куриб, бамайлихотир жойлашиб олгач:

– Хай, кенг феъл, кетмас давлат, тан сихатлиги ва хотиржамлигини берсин, – деб фотиха ўкиди.

Сўнгра чойни хафсала билан кайтарди, тринка шимининг чўнтагидан когозга ўрогли бир бўлак новвот олиб, пиёлага ташлади. Устидан шошилмай чой куйди. Новвотнинг кисирлаб бўлинишига кулок солиб турди. Унинг харакати нозик мехмонларга кунт билан тансик таом тайёрлаётган ошпазни эслатарди. У новвотли чойни кўзларини юмиб, хузур килиб хўплади. Кейин рўпарасидаги шеригини энди кўраётгандай пиёлани ерга кўйди.

– Кани, биродар, пиёлани узатинг, иссигидан куйиб берай, – деди.

– Чойим бор, рахмат! – деди Мухсинжон ака бош чайкаб.

– Одам ёши ўтган сайин совук мижоз бўлиб коларкан, – деди у. – Сал ширага ўчрокман. Хозиргиларнинг мижоз-пижоз билан ишлари йўк. Йўталдими, дўхтирга чопади. Кути-кутилаб дори ичади. Мен ўзимга-ўзим табибман. Хазрати Лукмон Хаким ҳам одамдаги жамики хасталиклар мижоздан, деган эканлар.

Сухбатдоши сергапгина чикиб колди. Мухсинжон ака унинг сўзларига кизикиб, айтганларини маъкуллаб ўтирди.

– Бу, биродар, сўраганинг айби йўк, кўзимга иссик кўриняпсиз, – деди у.

– Исми Мухсинжон, молияда хизматдаман.

– Багоят улуг, багоят улуг. Солиқларга хўжайинман, денг. Эшитганман. Шахарда сизни кўпчилик танийди. Каминани ҳам билсалар керак. Ховлимиз Ориф баккол гузарида. Эсимни таниганимдан бери сиркачиман. Худойберди сиркачини эшитгандирсиз?

– Биламан. Кўпинча бозорда кўрардим. Энди танидим.

– Ха, ўлманг. Сирканинг тозаси керак бўлиб колса, бемалол. Шу десангиз, кейинги пайтда молимизнинг бозори касод бўлиб колди. У ёздан бу ёзга бир хумдагини ҳам сотолмай колдим. Одамлар сирка нималигини эсан чикариб юборяпти. Энди ҳамма ош билан арак ичадиган бўлиб кетди. Газитда ишлайдиган кўшним бор. Яқинда ярим килоли идишга сиркадан куйдим-да олдига чикдим. Шу, газитингда сирканинг фойдаси хакида ёзиб чиксанг, зора иш юришиб кетармиди, дедим. Уч йил бурун ёнгокни мактаб чикувди, бозорда ёнгокнинг бахоси икки баробар ошиб кетганди-да. У эса, сирка ўзи нимага ишлатилади, дейди. Уйингда бурга кўпайса, сепасан, дедиму огриниб кайтиб чикдим.

Мухсинжон ака кулди.

– Сиз кулманг, биродар. Тирикчилик, шукр, ўтиб турибди. Коровулликдан пенсияга чикиб олганман. Эр-хотинга етади. Аммо шу хунарни сира ташлагим келмайди. Бунинг сабаби бор – у атрофига караб олди. – Сирка йўқолиб кетса, Худойберди сиркачи деган ном ҳам беному нишон кетади. Зурёд йўк, биродар, зурёд! Оркамдан чирогимни ёкиб коладиган, яхшими-ёмонми зурёд йўк. Шол бўлсаям, гилай бўлсаям майли эди, дейману, аммо Худо шундан кисди. На илож!

У жимиб колди. Яхши кўрган новвотли чойи ҳам эсидан чикди. Кўзларини бир нуктага тикканича жим колди.

– Уч марта уйландим. – деди у бир нарса эсига тушгандай ўзига келиб. – Биринчисидан икки киз кўрувдим. Икковининг хам умри киска экан, ёшига етмай ерга кўйдик. Иккинчисидан уч фарзанд кўрдим. Учови хам турмади. Хозиргиси тугмади. Пешонамга бефарзанд кетиш ёзиб кўйилган экан, деб такдирга тан бериб ўтяпман. Авваллари унчалик билинмасди. Ёш улгайган сари ўкинадиган бўлиб коларкансан. Чол-кампир бир-биримизга мунгайиб ўтирамыз. Бундан огир нарса йўк экан. Кайсидир доно айтган экан, одамзод уч марта яшайди, деб. Яъни, биринчиси – ўз умри, иккинчиси – болаларининг хотирида, учинчиси – килган хайрли ишлари билан. Биринчи умрим охирлаб колди. Ном колдирадиган тирнок йўк. Работ ёки кўприк соллмадим. Шу нарса зилдай армон бўлиб вужудимни эзади. Дунёдан кўзим очик кетадими, деб юрагим зиркирайди. Шунака, биродар, гамим кўп, кўнглим ўксик!

Унинг изтироби Мухсинжон акага хам кўчгандай ўзгариб колди. Чолнинг гапи уни хам ўйлантириб кўйди. Бу хаёт деганлари жуда хам жумбок нарса экан-да. Бир кам дунё, деганларидай, ҳеч ким умрининг ниҳоясида таскин билан, хотиржам кўз юмолмас экан. Кимгадир ортикча туюлган нарса бошкаси учун бир умрли армон бўларкан. Кимдир ўзини ҳақ санаб, ноҳақликка йўл кўяркан.

– Мана, биродар, сиз катта ишдасиз, илмингиз бут, дастингиз узун. Лекин сизам беками-кўст яшадим, деб айта оласизми? Ё сира армонингиз йўкми?

Мухсинжон ака жавоб тополмай ўйланиб колди. Чехрасига ташвиш аломати калқди. Ботинини сездирмаслик учун ноҳуш жилмайиб деди:

– Жуда галати савол бердингиз-ку! Ростини айтсам, хозиргача сира бош котириб кўрмаган эканман. Армоним йўк-ку... Лекин инсончилик экан, биз хам хато килганмиз... Бир кечирилмас иш килиб кўйганман, хали-хали афсус чекаман. Аммо ўша пайтда ҳақлигимга каттик ишонгандим. Буни тезда унутиб юбораман, деб ўйлагандим. Лекин унутилмади. Жуда кўп азоб берди. Хар фарзандим тугилганида бир томондан қувонсам, бир ёқда юрагимни гаш кемиради. Баъзан шахсий туйгуларинг конунлардан хам, бурч масъулиятидан хам устун чикиб колади, деб ким хам ўйлабди. Ўшанда ёш, гўр эдик-да!

– Ха, ўлманг. Боя айтдим-ку, армонсиз одам йўк деб. Кўнгилга олмасинлару, агар сир бўлмаса, биз хам эштайлик-чи.

– Сизнинг гапингиз юрагимда яшириниб ётган ўша аламини кўзготиб юборди. Менда ҳам армон бор, отахон, – Мухсинжон ака шундай дедию, ўша воқеани суҳбатдошига айтиб беришдан истихоло килдими, тўхталиб колди. – Шунча йил сир саклаб юрдим, айтгани юрагим дов бермасди. Майли, сизга юрагимни очгим келди. Гунохингни тан олиш, уни бошқаларга ҳам овоза килиш канчалик огир бўлса ҳам, айтаман. Урушнинг тўртинчи йили эди, чамамда, – хикоясини бошлади Мухсинжон ака сиркачига якинрок суриларкан. – Молияга янги ишга кирганман. Дўпписини опкел, деса, калласини кўшиб келадиган чарс йигитман. Кеча-кундуз тиним билмай ишлаймиз. Хали чайковчини ушлаймиз, хали беркитикча хунар келадиганларнинг додини берамиз. Бу ишда янги бўлсам ҳам, каттиккўллим, мурасасизлим билан назарга тушиб колдим. Кўча-кўйдан ўтиб колсам, одамлар салом беролмай дудукланиб колади. Кингир иши борларни-ку, кўяверинг. Мени кўрса, илиги калтираб, лаби кийшайиб кетади. Сезиб, ичимдан кувониб кўяман. – У чойини бир хўплаб бўшатди. Бошини тебратиб ўтирган сиркачига караб яна гапира кетди: – Ахир, ўзингиз биласиз, уруш, кахатчилик. Хамминг фикри-зикри фронтда, миясида тирикчилик ташвиши. Бир кило дон фалон пул. Бир бурда нон учун одамлар хеч нарсадан кайтмайдиган пайтлар. Шундан фойдаланиб, кингир йўлга кирганларнинг танобини тортиб кўйиш зарур эди. Аммо бир воқеа рўй бериб, мени анча синдириб кўйди. Бошликлар-ку, хали ҳам ишимдан мамнун эди. Лекин ўзим ўзгариб колдим. Юрагимда тугунми, ярами пайдо бўлди.

Мухсинжон ака бир пас тўхтаб, сиркачига синчковлик билан назар ташлади. У хамон ердан кўз узмай, бошини кимирлатиб ўтирарди. Мен ҳам кизикиб, уларга якинрок ўтириб олдим. Мухсинжон ака давом этди:

– Салгина айби бор одамларнинг юрагини ўйнатиб юрган кунларимнинг бирида молия бўлимига кимдир келиб, Дегрезлик махалласида яшовчи Косимхон деган косиб уйида беркитикча махси тикиб, бозорда пуллаётганини айтиб кетди. Бошлик мени хузурига чакириб, хабарни зудлик билан аниклашни, агар рост бўлса ўша косибнинг барча лаш-лушларини мусодара килишни топширди. Ахтара-ахтара Косимхоннинг уйини топдим. Ичидан занжирлаб кўйилган бир табакали, така михланган эски эшикни узок такилатдим. Аввал хотин кишининг "кимдир" дегани, кейин эркакнинг киска-киска йўталгани эшитилди. Занжир туширилиб, эшикнинг паст бўйли, озгин ва каримсик, кўк дўппили киши очди. Бир пас хайрон тикилиб тургач, тилга кирди:

– Келинг, канака хизматлари бор? – деди.

– Кани, уйга бошланг, – дедиму унинг оксокланиб кадам ташлашига сабрим чидамай тўрдаги уйга караб юрдим.

Йўл-йўлакай молядан эканимни, унинг устидан тушган хабарни текширгани келганимни айтдим. Косимхон калт-калт титрар, менга жавдираб қарар, гоҳ хотинига имо киларди. Хотини бўлса, унинг имосига тушунмай, рўмолини бир учини тишлаганича талмовсираб, ховлида зир югурарди.

Хақиқатдан ҳам уйда бир парча амиркон, чарм бўлаклари, қолип-шон, игна-бигизлар сочилиб ётар, шонга тортилган бир жуфт маҳси деворга тираб кўйилган эди.

Маҳсини шондан туширтдим. Битмаганларини ҳам рўмолга тугдирдим. Косимхон титрок кўллари билан нарсаларни йиғиштираркан, тинмай ялинарди:

– Ука, бу сафар кечиринг, агар яна кўлимга игна-бигиз ушласам, она сутим харом бўлсин. Бешта болам бор, биттаси касал, шунга ёқадиган бирор нарса топиб келай, деб йўқдан бор килувдим. Очлик курсин, болаларнинг "нон" деяверганидан тўйиб, ўзингни хар гузарга соларкансан одам!

Аммо унинг зорини эшитиб ўтирадиган вақт эмасди. Эшикка қараб юрдим.

– Эртага идорага борасиз, ўша ерда хал киламиз. Мана буларни далил сифатида олиб кетаман, – дедим. Косимхоннинг тили гапга келмай қолди. Хонумони куйган одамдай кўзлари хиралашганини, қадди янаям чўкиб, лаблари титраганини сезиб қолдим. Энди боядан бери кўркув ичида калтираб турган хотини йиғи аралаш дуога ўтди:

– Илойим бизни кунимизга сира тушманг, айланай. Норасидаларни қон қашатманг, ўргилай. Уларни чирқираши жонларидан ўтиб кетиб, тақиб бўлсам шу ишга қўл урувдилар. Шу сафаргина хўп дея қолинг, айланай. Бир умр дуойингизни қилиб ўтайлик.

Унинг гапларидан ансам қотиб, қўл силтадим. Рўмолдагиларни кўтарганча идорага қараб жўнадим. Эшик тагида Косимхон калтираб, хотини пиқиллаб қолаверди.

Уч кундан кейин уйда такикланган хунармандчилик билан шугуллангани учун Косимхонга икки минг сўм солик чикди, асбоб-анжомлари мусодара килинди.

Бешинчи куни уйга келсам, ёш келинчак йиглайвериб шишиб кетибди. Нима бўлганини сўрасам, пикиллаб жавоб беролмайди. Яккаш "бола, бола" дейди. Маълум бўлишича, шу куни эрталаб Косимхоннинг бемор боласи казо килибди. Хотини унга кафанлик тополмай, бизникига ок мато сўраб келган экан. Бунинг орасида хотинимга бор гапни айтиб, мени "боланинг котили эрингиз" дебди. Аммо бизникидан ҳам кафанлик топилмай, аёл ўзининг эски кўйлагига ўраб, болани дафн этишибди.

Бир неча кунгача бўлган воқеадан ўзимда бор-йўк юрдим. Ишхонада, кўлим ёзувда бўлсаям, кўз олдимга онасининг эски кўйлагига ўралган мурда келаверарди, боланинг очликдан шишган гавдаси, консиз юзини тасаввур килиб, эгим сесканиб кетаверарди. Юрсам ҳам, турсам ҳам кулогимга боласидан ажраган эр-хотиннинг ялинчок мунгли овози эшитилаётганга ўхшайверди. Охири ўзимга тасалли бердим: "Менинг айбим йўк, конунга биноан иш тутдим. Кахатчилик азобини тортган бир буларми? Нима, энди боласи оч экан, деб фойда орттиришига йўл кўйиб беришим керакмиди? Одамларга ҳам хайронсан, ахволинг шу экан, рухсат берилмаган ишни килма-да", дея кўнглимдан ўтказиб газабландим. Хуллас, ўшанда калта ўйлаганимга хали-хали афсусланаман, – деди Мухсинжон ака сўник ахволда хикоясини тугатаркан.

Худойберди сиркачи, бай-бай-бай, деб анчагача бошини сирак-сирак килиб ўтирди. Кейин унга тасалли берди:

– Сизнинг дардингиз меникидан ҳам огиррок экан тушунган одамга, биродар! Одамзод бир умр килган хатоларини тузатиб куни ўтаркан. Тузатишнинг иложи бўлмаганлари эса юрагининг бир четини яра килиб, азоб бераверар экан. Эй, Худойим! Хай, энди мен турай, анча дардлашиб, юракларнинг губорини ёздик. Одам тафтини одам олади, деганларидек, анча енгил тортдим. Хўп, биродар, омон бўлинг. Бозорга кирганда йўликиб туринг, сирканинг тозасини бераман. Сиздака кадрдонларга текинга ҳам беравераман. Хўп, кўришгунча!

(Давоми бор...)

Ахмад МУХАММАД ТУРСУН